



ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА КАПИТАЛ БОЗОРИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайдалиев С.С.

Тошкент молия институти

Аннотация. Ушбу мақолада капитал бозорининг иқтисодий категория сифатида мазмун-моҳияти, мазкур тушунчага нисбатан хорижий ва маҳаллий олимларнинг назарий қарашлари, фикр ва мулоҳазалари акс эттирилган. Шунингдек, мазкур бозорнинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий хусусиятлари аниқланиб, муаллифлик фикр-мулоҳазалари илмий асосланган.

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиш, капитал бозори, депозит, қимматли қоғозлар, B-spline усули, молиявий активлар, кўчмас мулк бозори, фонд биржалари, қарз капитали, акция, инвестиция.

DEVELOPMENT AND BASIC FEATURES OF THEORETICAL VIEWS OF THE CAPITAL MARKET AS AN ECONOMIC CATEGORY

Saydaliev S.S.

Tashkent institute of finance

Annotation. This article was reflected the essence of the capital market as an economic category, the theoretical views, opinions and opinions of foreign and domestic scholars on this concept. Also, taking into account the development trends of this market, its main features are identified, and the author's opinions are scientifically based.

Keywords: economic development, capital market, deposit, securities, B-spline method, financial assets, real estate market, stock exchanges, debt capital, stock, investment.

1. Кириш.

Ривожланган давлатларнинг узоқ йиллик иқтисодий ривожланиш тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш, унга фаол инвестицияларни жалб этишни интенсив ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири – капитал бозори ва уни доимий асосда ривожлантириб бориш ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишнинг узоқ йиллик стратегияларини амал қилувчи давлатлар, жумладан АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея каби давлатларда нафақат банк сектори, қолаверса капитал бозори ҳам айнан иқтисодиёт ривожланишини таъминлаш ва уни молиялаштиришда асосий воситалардандир. Бундан ташқари, ушбу давлатларда аҳолининг "бойлиги" мазкур бозорда "тўпланади", яъни аҳоли, тадбиркорларнинг бўш турган нофаол пул маблағларини ушбу бозорга инвестиция сифатида йўналтириш орқали уларнинг даромадини ошириш механизми амал қилади.

Капитал бозори ривожланган давлатларда тадбиркорларга пул керак бўлганда банклардан ташқари фонд бозори орқали пул жалб қилиш, фуқаролар эса бўш пул маблағларини фақат банкка депозитга қўймасдан, қимматли қоғозларга йўналтиришади. Бу тадбиркор ва фуқароларга қўшимча имконият бериши билан бир қаторда, мамлакатда банк ва капитал бозори ўртасида соғлом рақобатни таъминлайди. Мамлакатимиз қарийб ўттиз йил мобайнида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти томон босқичма-босқич ўтиш жараёнини бошидан кечирди. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим институтларидан бири бўлган капитал бозори эса шаклланиш босқичида қолди. Ўзбекистон бугунги кунда

капитал бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи халқаро рейтинглар бўйича энг пастки поғонада турибди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, изчил ва самарали ислохотлар бўлганда дастлабки босқичдан ривожланган босқичгача ўртача 20-25 йил талаб этилади¹.

2. Адабиётлар шарҳи.

Капитал бозори инструментлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Choudhry ва бошқа олимларнинг (2010) асарларида капитал бозорининг сегментларидан бўлган – пул бозорида пулнинг вақт қиймати ва дисконт ставкасини белгиловчи омиллар таҳлил этилган. Шунингдек, илмий тадқиқот ишида дисконт коэффиценти ҳисоблаб чиқаришнинг B-spline усули, узлуксиз вақт давомида облигациялар нархини белгилаш, инфляция орқали индексланган облигацияларнинг қийматини ҳисоблаш кабилар атрофлича ёритиб берилган.

Капитал бозори ва уни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб борган МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Касимова (2016) ўз тадқиқотида капитал бозорининг барча элементларининг тўлиқлиги билан боғлиқ муҳим нуқталарнинг батафсил таҳлили берилган. Асосий эътибор капитал бозорини соф молиявий активлар билан боғлайдиган молиявий таркибий қисмларга қаратилган. Муаллиф молиявий активлар ва кўчмас мулк бозори, ишлаб чиқариш воситалари, илмий-техник инновациялар ва интеллектуал мулкка эътибор қаратади. Шунингдек, илмий тадқиқот ишида дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари қиёсий таҳлил этилиб, капитал бозор таркибий қисмлари суств ривожланган мамлакатларда капиталнинг реал бозори устунлик қилаётганлиги аниқланганлиги таъкидланади. Таъкидланишича, капитал бозори кенг тушунчага эга, чунки у қўйилган мақсадларга, шунингдек жумладан, ишлаб чиқариш, молиявий ва ноишлаб чиқариш секторларини қамраб олади.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёритишда кузатиш, эмпирик ўрганиш, вербал шарҳлаш, таққослаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодий категория сифатида капитал бозорига оид назарий қарашларнинг ривожланиши доирасида етакчи олимлардан Orylski (2009) томонидан олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этиш муҳим ҳисобланади. У ўзининг илмий тадқиқотларида Марказий ва Шарқий Европа капитал бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиб, ҳудудларнинг асосий бозор индексларини кузатар экан, муаллиф уларни энг ривожланган бозорлар билан таққослайди. Муаллиф бозор консолидациясини унинг ривожланишининг қониқарли даражасига эришишнинг мумкин бўлган йўли деб ҳисоблайди, бу эса реал иқтисодиётни оптимал даражада қўллаб-қувватлайди. Ҳудудлар капитал бозорининг ривожланиш даражасини ўлчайдиган индекс унинг капиталлашуви, асосий индекслар бўйича ўртача даромадлилик даражаси ҳисобланади. Муаллиф тадқиқот ишида аллақачон содир бўлган ва амалга оширилиши мумкин бўлган, тузилган консолидацияга олиб келадиган қўшилиш ва сотиб олишларни кўрсатади.

Энг рақобатбардош фонд биржалари сармоядорлар учун яхшироқ инвестиция имкониятларини ва капитал изловчилар учун рақобатчиларга қараганда яхшироқ молиялаштириш имкониятларини таклиф қилади. Жаҳон иқтисодиётида бозор иштирокчилари бутун дунёдан биржаларга сармоя киритишлари ва капитал излашлари мумкин. Бу шуни англатадики, муваффақиятли рақобатлашиш учун минтақа биржалари яхшироқ таклифларни тақдим этишлари керак. Шунингдек, тадқиқот объекти бўлган давлатлар ҳудудида капитал бозори институти - биржа рақобатбардошлигини ўлчайдиган Global Financial Center Index (Глобал молия марказлари индекси) маълумотларига кўра (1-жадвал), фонд биржалари сифатига таъсир қилувчи асосий омиллар 1-расмда келтирилган.

Капитал бозорига инвестицияларни жалб этиш масалаларида илмий тадқиқотлар олиб борган Индонезиялик етакчи иқтисодчи олимлардан профессор Mas'ud Machfoedz ва тадқиқотчилар Ratna Candra Sari ҳамда Francisca Reni Retno Anggraini кабиларнинг илмий тадқиқотларида, "Капитал бозори – молиявий ресурсларни иқтисодиётга трансформация

¹ <https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozori-achon-rivozhlanadi-08-01-2020>

ISSN
2181-2128

2021
V SON



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.